

2
ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ҲУДУДЛАРДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАР ЖАРАЁНИ, БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИ, ЙИРИК ЛОЙИҲАЛАР БИЛАН ТАНИШИШ, ХАЛҚ БИЛАН МУЛОҚОТ ҚИЛИШ МАҚСАДИДА 2019 ЙИЛНИНГ 19 ФЕВРАЛЬ КУНИ СИРДАРЁ ВИЛОЯТИДА БЎЛДИ.



ҲУҚУҚ

1997-йil 27-avgustdan chiqa boshlagan

www.huquq.uz

2019-й. 21-ФЕВРАЛ, №8 (1153)

**БЕМОЛЛАРНИНГ
35 ФОИЗИГИНА
АЛКОГОЛИЗМ
ТАЪСИРИДАН
ҚУТУЛАДИМИ?**

6

**134
МИЛЛИОН
СЎМДАН ОШИҚ
ИШ ҲАҚЛАРИ
УНДИРИЛДИ.**

7

**«ИҚТИДОРЛИ»
КОРОВУЛ
ФАРРОШЛИККА
ТАЛАБГОРЛАРНИ
«САРАЛАДИ»**

9

**ҚИЙМАТИ
450 МИЛЛИОН
СЎМЛИКДАН
ЗИЁД ЎФИТ
«ТУЯ ҚИЛИНДИ».**

11




ҲОКИМЛАРНИНГ НОҚОНУНИЙ ҚАРОРЛАРИ

Фуқароларнинг қурилиш билан боғлиқ муурожаатлари прокурорлар томонидан кўриб чиқилиб, ҳокимларнинг қарорларига протест ва уларни ҳақиқий эмас, деб топиш ҳақида судга аризалар киритилди.

4-бетда

НОТАРИАЛ ИДОРАЛАРДАГИ НАЙРАНГЛАР

Ўтган йили фуқаролик судларида битимларни ҳақиқий эмас, деб топиш ҳақида 2 мингдан ошиқ ишлар кўрилиб, уларнинг ярмидан кўпроғи қаноатлантирилган.



3-бетда

Динозавр ҳақидаги сенсация

**ИЖТИМОЙ ТАРМОҚЛАРДА
«РИШТОНДА ДИНОЗАВР
СУЯКЛАРИ ТОПИЛДИ»,
ДЕГАН ХАБАР
ТАРҚАЛДИ.**

АСЛИДА ЭСА...



12-бетда

Мажбурий ижро бюроси оилаларни яраштирмоқда

ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ ЎТГАН ДАВРИДА БЕВОСИТА МИБ ХОДИМЛАРИНИНГ АРАЛАШУВИ БИЛАН 1200 ДАН ОРТИҚ АЖРАШГАН ОИЛАЛАР ЯРАШТИРИЛДИ. МИБ АРАЛАШУВИГА ҚАДАР МАҲАЛЛА ИНСТИТУТИ, АЖРАШГАН ОИЛАЛАРНИНГ ЯҚИНЛАРИ ВА БОШҚА МАСЪУЛ ИДОРАЛАР НИМАНИ КУТИБ ЎТИРИШГАН?

5-бетда

АҲОЛИ БАНДЛИГИ — ФАРОВОНЛИК ОМИЛИ

Бозор муносабатлари шароитида муқим иш ўрнига эга бўлиш, оила бюджетини мустақамлаш, даромадларини ошириб бориш фаровон турмушни юксалтириш билан бир қаторда, аксарият ижтимоий муаммоларнинг бартараф этилишида ҳам муқим аҳамиятга эга. Шу нуқтаи назардан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 февралдаги "2018 йилда аҳоли бандлигига қўмаклашиш давлат дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида вилоятда муайян ишлар олиб борилди.

Вилоят прокуратураси органлари томонидан аҳолининг бандлигини таъминлашга қаратилган қонунлар ижроси юзасидан доимий назорат ўрнатилган бўлиб, бу борада янги иш ўринлари яратиш ҳамда аҳолининг бандлигини таъминлаш, меҳнат қонунчилиги талабларига риоя қилиниши юзасидан назорат тадбирлари амалга оширилмоқда.

Бунда асосий эътибор, меҳнат органларига иш излаб мурожаат қилган ва меҳнат органлари томонидан йўлланма берилган фуқароларнинг ҳақиқатда ишга жойлашганлигига, янги иш ўринлари яратилиши ва аҳоли бандлиги тўғрисидаги ҳисоботларнинг ҳаққонийлигига, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини тўлиқ ишга жойлаштиришга, аҳоли бандлигини таъминлаш орқали жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилиб, бу борада қонун бузилиши ҳолатларига йўл қўйган мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги қатъий ҳал қилиниб келинмоқда.

Вилоятда иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш манзилли Дастури ижроси юзасидан маҳаллий ҳокимликлар ва бошқа мутасадди идоралар билан ҳамкорликда олиб борилган ишлар ўз самарасини берди.

Таҳлилларга кўра, 2018 йилда 28 592 нафар фуқаролар бандликка қўмаклашувчи марказларга иш сўраб мурожаат қилган. Шундан 15 286 нафари мақбул иш ўринларига ишга жойлаштирилган.

2018 йилда "Ишсиз деб эътироф этиш комиссия"лари ҳулосалари асосида 1700 нафар фуқарога ишсизлик маҳоми берилган бўлиб, уларни мақбул иш билан таъминлаш бўйича тегишли кўрсатмалар берилган.

91 806 та иш ўрни режалаштирилган бўлиб, амалда 98 300 та иш ўрни яратилди.

Шунингдек, Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 16-17 февраль кунлари Бухоро вилоятига ташириш давомида берган топшириқлари ва Пешку туманида кенгайтирилган тарзда ўтказилган йиғилиш баёни ижросини таъминлаш мақсадида Бухоро вилоят ҳокимининг 154-сонли қарори қабул қилинган бўлиб, ушбу ҳужжатга асосан 2018 йил давомида аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида вилоят бўйича жами 91 806 та иш ўрни ташкил этиш белгиланган. Дастур ижроси бўйича жами 98 300 та иш ўрни яратилиб, белгиланган режа 107 фоизга бажарилган.

Булardan ташқари, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 октябрдаги "Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги жамоат ишлари Жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги Қарори ижроси юзасидан ҳам бир қатор ишлар амалга оширилди. Хусусан, вилоятнинг барча туман ва шаҳарларида жамоат ишларини ташкил этиш ишлари олиб борилиб, вилоятдаги 5463 та буюртмачи-иш берувчилар томонидан жами 17 180 нафар фуқарога буюртмалар қабул қилинган. Ушбу жамоат ишларига иш ҳақи тўлаш учун Жамғарма ҳисобидан жами 13 миллиард 672 миллион 180 миң сўм пул маблағи ажратилган ва тўланиши таъминланган.

Шунингдек, назорат тадбирларида аҳоли бандлигини таъминлаш соҳасида айрим ҳолларда қонун бузилиши ҳолатларига йўл қўйилганлиги аниқланиб, уларни бартараф этишга қаратилган тегишли прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилди.

Жумладан, Когон шаҳар прокуратураси томонидан ўтказилган назорат тадбирларида Когон шаҳар Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази бош врачлари Р.Мададова "Аҳо-

Дилшод ЗАРИПОВ,
Бухоро вилоят прокуратураси бўлим прокурори

мизнинг ҳаёт даражасини юксалтириш учун меҳнатга муносиб ҳақ тўлаш тизимини шакллантириш ва аҳоли реал даромадларини оширишимиз зарур", деб таъкидладилар.

Бугунги кунда вилоятда иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендияларни ўз вақтида тўланишига оид қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилишининг қонунийлиги юзасидан назорат тадбирлари амалга оширилмоқда. Хусу-

Когон шаҳар ДСЭНМ бош врачлари бўш иш ўринларини яширган.

сан, биринчи даражали тўловларнинг ўз вақтида тўланишига оид қонун ҳужжатлари талаблари бузилишига йўл қўймастик хусусида вилоятдаги барча тижорат банклари ва уларнинг фили-



лини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги Қонун талабларини бузиб, Когон шаҳар аҳоли бандлигига қўмаклашиш марказига 2018 йилнинг ноябрь ойи учун марказнинг бўш иш ўринлари ҳақида топширган ҳисоботида бўш иш ўринларини яшириб келганлиги сабабли унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 49-моддаси 1-қисми билан маъмурий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатилган.

Вилоят прокуратураси органлари томонидан 2018 йилда мазкур йўналишда ўтказилган назорат тадбирлари натижасига кўра, ноқонуний буйруқларни бекор қилиб, қонунга мувофиқлаштириш ҳақида 101 та протест келтирилди, 18 нафар мансабдор шахс маъмурий, 43 нафари интизомий жавобгарликка тортилиб, аниқланган қонун бузилиши ҳолатларини бартараф қилиш тўғрисида 28 та тақдирнома киритилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев парламентга Мурожаатномасида айнан аҳоли бандлигини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратиб: "Биринчидан аҳоли ўртасида ишсизликни қамайтириш, одамлар ва оилаларнинг даромадини ошириш лозим. Халқи-

аллари, почта алоқа тармоқлари, Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси тўзилмалари ҳамда Давлат солиқ хизмати органларининг раҳбарлари расман огоҳлантирилган.

Амалга оширилган назорат тадбирлари жараёнида ушбу соҳада айрим камчиликларга йўл қўйилганлиги ҳам аниқланди. Жумладан, Бухоро шаҳар прокуратураси томонидан фуқаро И.Хамроевнинг Бухоро ҳудудий электр тармоқлари корхонасидан 7 миллион 624 миң сўмлик, фуқаро С.Саторовнинг "Нефтьгазқурилиштаъмир" АЖ 1-сон қурилиш-монтаж бошқармаси унитар корхонаси томонидан 1 миллион 200 миң сўмлик иш ҳақларининг ундириб берилиши таъминланди.

Бундан ташқари, вилоят прокуратураси маҳкамаси томонидан 2018 йилда фуқароларнинг иш ҳақларини ундириб беришда амалий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги 66 нафардан ортиқ мурожаатлари атрофида ўрганилди. Улар ижобий ҳал қилиниб, 134 миллион 199 миң сўмлик иш ҳақлари ундириб берилиши таъминланган.

Вилоят прокуратураси томонидан мазкур соҳаларда назорат тадбирлари давом эттирилмоқда.

Бугунги кунда жамиятимизда соғлом турмуш тарзига амал қилиш, истеъмол маҳсулотлари таркибига эътибор қаратиш турмуш тарзимизнинг бирламчи омилига айланиб бормоқда. Зеро, жисмонан бақувват, имунитети мустақам инсон бўлиб улғайишда, руҳан тетик ҳамда фаол турмуш тарзини кечиршида гўшт ва гўшт маҳсулотлари муҳим аҳамиятга эга. Чунки таркибда асосий озиқ моддалари — оқсил, ёғ, углевод, витаминларга бой таомни истеъмол қилиш узоқ умр кўришнинг бош омилидир.



Янги РЕГЛАМЕНТ нималарга хизмат қилади?

Муҳаммадjon РАҲМАТОВ,
Бош прокуратура ҳузуридаги Инспекциянинг бўлим катта инспектори

Шундан келиб чиққан ҳолда, ҳукуматимиз томонидан аҳолининг гўшт маҳсулотига бўлган эътибжини қондириш, сифатли гўшт билан таъминлаш мақсадида барча зарурий чора-тадбирлар кўрилмоқда. Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 22 январдаги 36-сонли қарори билан "Гўшт ва гўшт маҳсулотларининг хавфсизлиги тўғрисидаги умумий техник регламент" тасдиқланган эди. Мазкур ҳужжат қабул қилинган кундан 18 ой ўтган кучга кириши белгиланган. Унда гўшт маҳсулотларини тайёрлаш ва реализация қилиш билан боғлиқ барча жараёнларда маҳсулот хавфсизлигига қўйилмайдиган ягона талаблар ишлаб чиқилган.

Ушбу техник регламент кучга кирганидан сўнг гўшт ва гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқаришда фойдаланилаётган давлатлараро ва Ўзбекистон Республикасининг давлат стандартлари ихтиёрийлик касб этади.

Ҳужжатда кўрсатилган тартиблар қаторига гўшт ва гўшт маҳсулотларини ишлаб чиқаришда микробиологик, ветеринария-санитария, экологик хавфсизлик, ҳайвонларни сўйиш жараёнлари ва уларни сақлаш тартиблари ҳам киритилган. Аслида бу масалалар инсон саломатлигини муҳофаза қилиш, аҳолига сифатли маҳсулот етказиб беришда долзарб аҳамиятга эга.

Жумладан, гўшт ва гўшт маҳсулотларини ишлаб чиқаришда улардаги заҳарли моддалар, инсон саломатлигига таъсир қилувчи омиллар белгиланган меъёрлардан юқори бўлмаслиги ҳужжатда алоҳида қайд этилган. Шунингдек, маҳсулотлар ишлаб чиқаришда тайёрловчилар, маҳсулот ишлаб чиқарувчи ходимлар технология жараёнлари, уларни қадоқлаш, сақлаш ва ташини, ёрликлаш, ёрликланган маҳсулотларда истеъмолчиларни чагловчи ваҳоротлар бўлмаслиги каби талабларга риоя қилишлари зарур бўлади. Яъни, гўшт маҳсулотлари ёрликларида ишлаб чиқарувчи корхона номи, жойлашган манзили, маҳсулот миқдори, ишлаб чиқарилган санаси, озуқалик мuddати, сақлаш шароити, озуқавий қиймати, техник тартибга солиш соҳасидаги меъёрий ҳужжат белгиси, ундан фойдаланиш ёки чекловлар, уларнинг турлари, тайёрланган усуллари тўғрисидаги маълумотлар батафсил кўрсатилади лозим.



FAOLIYATIDAN

Халқимизда "Қиш гамини ёзда кўр" деган маъноли ибора бор. Дарҳақиқат, олдинда турган мавсумга тайёргарликни барвақт бошламасак, эртага даромадни бой бериб қўйишимиз турган гап. Айниқса, қишлоқ хўжалигида бу жиҳат жуда муҳим ҳисобланади.

Лоқайдлик ҳам жиноят

Инспекциянинг Тошкент вилоят бошқармаси томонидан 2019 йил ҳосили учун уруғлик чигит тайёрлашда давлат стандартлари талаби бўйича уруғлик чигитни тозалаш, саралаш, туксизлантириш ва дориллаш ишлари аҳоли ўрганилди.

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, бошқарма ва унинг туман бўлиmlари томонидан "Тошкент минтақавий пахта терминали" МЧЖ директори ва 8 нафар пахта тозалаш корхоналари бош директорларига 2019 йил ҳосили учун тайёрланган уруғлик чигит сақланадиган омборларни тазмирлаш, дезинфекция қилиш, давлат реестрига киритилган ва вилоят ҳудудида экишга тавсия этилган гўза навларнинг уруғлик чигитини дориллаш ва талон-торож бўлишининг олдини олиш каби масалаларда расмий огоҳлантириш берилган эди.

Бироқ назорат тадбирлари давомида айрим жамият мутасаддиларининг "қулоғига гап кирмагани" маълум бўлиб қолди. Хусусан, Инспекциянинг Бўка туман бўлими ходимлари томонидан мутахассислар иштирокида "Бўка пахта тозалаш" акциядорлик жамиятида уруғлик пахта хомашёсининг сақлашни ўрганилганда, жамиятнинг "Хўжақўрғон" пахта қабул қилиш маскани моддий жавобгар шахслари ўз вазифаларига лоқайд ҳамда виждонсизларча муносабатда бўлгани аниқланди. Уларнинг ишга бўлган соҳуқонлиги натижасида 2018

йил ҳосилидан жамғарилган ва сақланаётган 243,5 тонна уруғлик пахта хомашёси сифати бузилиб, техник пахтага ўтказилган. Бунинг ортидан давлат манфаатларига 213 миллион сумдан ошироқ миқдорда зарар etkazилган.

Мазкур ҳолат юзасидан 2019 йил 16 январь куни "Хўжақўрғон" пахта қабул қилиш маскани мансабдор шахсларига нисбатан Жиноят кодексининг 207-моддаси 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилди.

"Пискент пахта тозалаш" акциядорлик жамиятидаги аҳвол

Огоҳлантиришларга қарамай айрим мутасаддилар уруғлик чигитнинг сифати бузилишига йўл қўйган.

ҳам юқориди келтирилган жамиятликдан қолишмайди. Бу ерда 210,1 тонна уруғлик пахта хомашёси ҳолати лаборатория назорати таҳлилидан ўтказилганда, уруғлик чигитнинг қуйиқилик даражаси ўртача 1,4 фоизни, пучлиги эса 5,3 фоизни ташкил этиши аниқланди.

Мавжуд тартибга кўра, уруғлик хомашёда қуйган чигит мавжуд бўлса, экишга рухсат этилмайди. Оқибатда 109,2 тонна уруғлик чигит "увол" кетди. Ушбу ҳолат юзасидан 2019 йил 29 январда жамиятнинг моддий ва мансабдор шахсларига нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖҚнинг 207-моддаси 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилган.

Шухрат ХУСЕНОВ,
Инспекциянинг Тошкент вилоят бошқармаси бошлиғи

Худди шу каби назорат тадбирлари "Мустақиллик пахта тозалаш" акциядорлик жамиятида ҳам ўтказилди. Бу жамият моддий жавобгар шахслари ҳам ишига панжа орасидан қарашгани натижасида чигит сақлаш омборида уруғлик чигит ва техник чигит оралиқ масофалари сақланмаганлиги маълум бўлди. Ушбу ҳолат юзасидан Инс-

пекциянинг Қуйиқичиқ тумани бўлими томонидан "Мустақиллик пахта тозалаш" акциядорлик жамиятининг тайёр маҳсулотларни etkazиб бериш ва логистика бўлими бошлиғи А.Исмоиловага нисбатан маълумий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатилган.

Уруғлик чигит тайёрлашда ишчилар соғлиғини муҳофаза қилиш ҳам муҳим масала саналади. Хусусан, "Алимкент пахта тозалаш" АЖга қарашли туксиз уруғлик чигит тайёрлаш ҳақида жорий йилнинг 21 январь куни ўтказилган текширишда уруғлик ишлаб чиқаришда шахсий химоя воситаларидан фойдаланиш талабларига риоя этилмаганлиги натижасида ишчиларнинг соғлиғига жиддий зарар etkazuвчи ҳолат юзага келганлиги аниқланди. Бу ҳолат юзасидан ҳам тегишли тартибда масъул шахсларга нисбатан интизомий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатилди.

Ҳар бир давлат хизматчиси эгаллаб турган лавозимга муносиб эканини ҳар куни исботлаш шартлиги тамойили амал қилаётган бир паллада пахта тозалаш корхоналари мансабдорларининг ўз ишига панжа орасидан қараётгани қонун талабларига ҳам, виждон амрига ҳам тўғри келмайди.

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва Самарқанд вилоят прокуратураси жамоалари ҳамда Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик маркази прокуратура фахрийси

Пармон РАСУЛОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва Сурхондарё вилоят прокуратураси жамоалари ҳамда Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик маркази прокуратура фахрийси

Тухтамин КИЁМОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Қашқадарё вилоят прокуратураси жамоаси вилоят прокуратураси бўлим катта прокурори Маҳмуд Ўзбековга волидаи муҳтарамаси

Гулбиби ЎЗБЕКОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

Бош прокуратура ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси ҳамда Бюронинг Навоий вилоят бошқармаси жамоалари Бюронинг Нурота туман бўлими давлат инспектори

Алжион МУҲАММАДОВнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Бош прокуратура ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси ҳамда Бюронинг Сурхондарё вилоят бошқармаси жамоалари Бюронинг Сурхондарё вилоят бошқармаси шўъба инспектори

Шероод ХАЙТОВнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига ҳамдардлик билдиради.

Самарқанд вилоят прокуратураси жамоаси Қўшработ туман прокурори ўринбосари Эркин Хайтובה турмуш ўртоғи ҳамда қизи

Зилола ХАЙТОВА ва **Чарос БЕКПУЛОВА**ларнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Самарқанд вилоят прокуратураси жамоаси Пастдарғом туман прокурори Баҳриддин Ғоффоровга турмуш ўртоғи

Майрам ҒОФФОРОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Самарқанд вилоят прокуратураси жамоаси Самарқанд шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси

Каримта БАБАЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига ҳамдардлик билдиради.

21-ФЕВРАЛ 2019-Ҳ. ҲУҚУҚ № 6 (1153) 11

HUQUQ
YURIDIK GAZETA

Muassis:
O'zbekiston
Respublikasi
Bosh
prokuraturasi

Bosh muharrir:
Jahongir MAKSUMOV

Tahrir hay'ati:
Erkin YULDASHEV
Halim BOLTAYEV
Djaxongir MIRSAYAYEV
Surayyo RAHMONOVA

Baxtiyor NAZAROV
Kamoliddin ASQAROV

Tahririyat manzili:
Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.
Telefon: 233-98-40,
Faks: 233-10-53, 233-64-85
Web site: www.huquq.uz
E-mail:
huquq@huquq-gazeta.uz

Gazeta haftaning payshanba kuni chiqadi.
Sotuvda kelishilgan narxda

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqdir qilinmaydi va egalariга qaytarilmaydi.
Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.
«HUQUQ» materiallari ko'chirib bosilganda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart.
□ — tijorat materiallari.

Nashr ko'rsatkichi
231

Buyurtma № 3154. 21 272 nusxada basildi.
Oqog' bichimi A-3, hajmi 3 bosma toboq.
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.

Navbatchi muharrir: **G. ALIMOV**
Sahifalovchi: **S. BABA JANOV**

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00.
Topshirildi: 20.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 2009-yil 12-oktabrda 0188-raqam bilan ro'yzarga olingan.

ISSN 2010-7617

9 772010 761004

